

ОСИЁ ЎЙИНЛАРИДАН МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари спортчилари ҳам унга муносиб улуш қўшмоқда



ХИТОЙНИНГ ХАНЧЖОУ ШАҲРИДА ЙТАЁТГАН XIX ёзги Осиё ўйинлари қизғин паллага кирди. МАЗКУР МУСОБАҚАДА МАМЛАКАТИМИЗ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ СПОРТЧИЛАРИ ҲАМ МУНОСИБ ИШТИРОК ЭТМОҚДА.

Хусусан, 23 сентябрь куни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасаруфидаги Республика ихтиослаштирилган комплекс болалар ва ўсмирилар спорт мактаби спортичлиси Луиза Исломова, Мехрёбек Маматкулов ва Шахбоз Холмирзаевлар кумуш, Собир Сафаралиев эса битта кумуш ва битта бронза медалларни кўлга киритиши. Яна бир спортичи – Фазлиддин Каримов M8+ (эрраклар саккиззалиги) йўналшидиги мусобақада тўртинчи ўринни эгаллади.

30 сентябрь куни бўлиб ўтган мусобақаларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасаруфидаги Республика ихтиослаштирилган комплекс болалар ва ўсмирилар спорт мактабининг енгил атлетика бўйича спортичлиси, халқаро тоифадаги спорт устаси Суҳроб Хўжаев босқон улоктириш бўйича 70.79 метр натижага эришиб, бронза медални кўлга кириди. Олтин ва кумуш медаллар эса Хитой ва Қатар вакилларига наисбет иштирок этмоқда.

3 октябрь куни бўлиб ўтган байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича ўтган мусобақалар ҳам муросавиз кечди. Унда халқаро тоифадаги спорт устаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасаруфидаги Республика ихтиослаштирилган комплекс болалар ва ўсмирилар спорт мактабининг спортичилари Шоҳмурад Холмурадов ва Нурислом Тўхтасин ўғли C2-1000 метрда қайида сузиб олтин медаль, иктидорли спортичи Шахризода Мавлонова эса K4-500 метрда сузиш баҳсида бронза медал сохибига аланди.

Эслатиб ўтамиш, XIX Осиё ўйинлари 8 октябрьга қадар давом этади.

Спортичиларимизни шу вақтгача эришган ютуқлари билан табриклаб, медаллар шодасини янада кўпайтиришига тилакдошимиз. Бу жараба ўзбекистон касаба уюшмалари спортичилари ҳам ўзининг муносиб улшини қўшишига ишонамиз.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»

Маълумот учун: XIX ёзги Осиё ўйинларининг 4 октабрь куни якунларига кўра, Ўзбекистон делегацияси хисобидаги олтин ва кумуш медаллар сони 16 тага, бронза медаллар сони 22 тага етди. Айни вақтда Ўзбекистон жами 54 та медал билан умумий рейтингидаги Хиндустондан кейинги 5-ўринда бормоқда.



Сирдарё вилояти

ЗАРАР ПУЛЛАРИ УНДИРИЛДИ

Хуқуқий тарғибот яхши йўлга қўйилгани учун бугунги кунда ишичи-ходимлар қандай ҳолатда қаерга мурожаат қилишарни яхши билишади. «Худудий электр тармоқлари» Сирдарё филиали Гулистан туманин корхонасида электромонтер вазифасида ишлётган Абдували Аҳмедов иш вақтида оғир жароҳат олиб, меҳнатга лаёқатини йўқотади.

2021 йил 3 февралдан III гурӯҳ ногирони бўлиб қолган ходим зарар пулларини ололмагач, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгашига мурожаат қиласди. Кенгашинг меҳнат техник инспектори сайди-харакатлари билан Абдували Аҳмедов 2023 йил май ойидан 2025 йил май ойига қадар ҳар ойда 1 миллион 200 минг сўмдан зарар пулларини оладиган бўлди. Шу билан бирга, бир йўла 18 889 454 сўм зарар пуллари ҳам ундирилди.

Абдукамол ҲАҚИМОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Сирдарё вилояти кенгашига меҳнат техник инспектори

Хуқуқ

Тошкент шаҳри

ФАХРИЙЛАРГА ЭҲТИРОМ

Хабарингиз бор, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 сентябрдаги тегишли қарорига биноан октябрь ойининг биринчи ҳафтаси «Кексалар ҳафталиги» этиб белгиланди ва ҳафталик доирасида турли тадбирлар ўтказиш анъанага айланди.

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашига шу муносабат билан касаба уюшмалари тизимида узоқ йиллар меҳнат қилган бир қатор фахрийларни ўйқлади. Улар учун байрам дастурхони ёзилди.

Тадбир иштирокчилари бир пиёла чой устида дилдан сұхбат қуриб, охирги йилларда мамлакатимизда амалга оширилётган кенг кўлмалми ишлётларни этишиди.

– Кексаларни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган эзгу ва хайри амаллардан бирни, – дейди меҳнат фахрийси Мамлакат Абдумаликова. – Бу каби ишларимиз ҳамиша бардавом бўлаверсин. Кўп йиллар касаба уюшмаси тармоқларида ишладим. Шукур, меҳнатларим самарасини кўяпманд. Шундай

кунларда бизни йўқлаб, дастурхон ёзган мутасаддиларга ташаккур.

– Аслида меҳр ва ётиборнинг катта-кичиғи бўлмайди. Зотан, бир оғиз ширин сўз ҳам одамнинг кўнглини төгдек кўтаради. Мана бундай тадбирлар эса, айниқса, биз каби кексаларни фоят қувонтирид, – дейди Мираҳмад Миркосимов. – Ташкилотчиларга раҳмат.

– «Кексалар ҳафталиги» доирасида ташкил этилаётган бу йилги тадбирлар «Кексаларга ҳурмат – ёшларга ибрат» фояси остида ўтказилмоқда, – дейди Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашига раиси ўринbosasi Баҳодир Султонов. – Дарҳақиат, учрашув баҳона ёши улуг отаҳон ва онажонлардан кўп маслаҳатлар олдик. Уларнинг панд-насиҳатлари фаолиятимизда асқатиши турган гап.

Ўз мухбиримиз



Муносабат

ЎЗБЕКИСТОННИ БУТУН ДУНЁ ТАН ОЛМОҚДА



Кутлимурот СОБИРОВ,
Ўзбекистон темирйўчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгашига раиси

иборат яшил худудлар барпо этиш масаласига ҳам алоҳида тұтқалди.

Шубҳасиз, бу фикр-мулоҳазалар ва тақлифлар нафақат Ўзбекистоннинг, балки бошқа давлатларнинг келажаги учун ҳам мумих ахамият касб этади. Қолаверса, дунё ахли бизни, аввало, тилимиз, мәннавиятимиз, Президентимиз нуғузли ажуманларда ўзбек тилемде сўзлаётган нутқ орқали тан олмоқда. Бу ютуқлар ортида эса, машиқатдан ташқарни мустаҳкамлашга қаратилган туб ишлётлар йўлидан дадил илгари бормоқда», деди. Давлаттимиз раҳбари ўз чиқишида юртимизда янги таҳрирга Конституция ва хуқуқий асосда «Ўзбекистон – 2030» тараққиёт стратегияси қабул қилингани, сўнгги олти йил ичидаги ялпи ички маҳсулот ҳажами бир ярим мартадан ортиқ кўпайиб, камбағалли иккى баробарга камайган, таълим тизими тубдан ўзгарайтгани, мактабни битирган ҳар икки ўқувчининг бирин олий ўкув юртида таҳсил олиши учун имконият яратилётгани, ёшлар сиёсати олиб бораилётгани хисусида эслатиб ўтди. Бир аср мобайнида Ўзбекистонда миллионлаб одамлар пахта теримига мажбур жалб этиб келинганини, сўнгги вакътларда эса мажбурий меҳнатга ва болалар меҳнатига тўлиқ барҳам берилганини алоҳида таъкидлadi. Шунингдек, барчани диний токатсизлик ҳолатларига йўл қўймасликка қараби, Ўзбекистонда ЮНЕСКО шағелиги Динларро мuloқot ва бағригенлигни халқаро марказини ташкил этиш тақлифини кириди. Буюк олимларнинг бой меросини ўрганиш, исломнинг асл инсонпарварлик мөхиятини чуқур очиб бериси мақсадида 2024 йили Ўзбекистонда «Ислом – тинчлик ва эзгулик дини» мавзусида халқаро конференция ўтказиш ташаббусини илгари сурди. Бундан ташқари, диёримизда Осиё хотин-қизлари фоторумини ташкил этишина тақлиф қиласди. Орол муммоси, курғоқчиликка чидамли ўсимликлардан келишиб олинди.

Яқинда ZOOM видеоконференция алоқа тизими орқали Ўзбекистон темирйўчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгашига раиси шу унда аэзо ташкилотлар раҳбарлари тизимдаги ва ҳудуддаги ташкилот-корхоналар бошланғич касаба уюшма кўмиташираси билан ҳамкорлиқда ҳар бир ходим ушбу нутқ билан танишиши, унинг мазмун-мөхияти ва шу асосда белгиланадиган вазифалар бўйича тарбибот-ташивиёт ишларини олиб бораиллари зарурлиги юзасидан келишиб олинди.

Кексалар ҳафталиги



Қадрингиз мудом баланд бўлсин, устозлар!

Янгийўл туманинда Маданият сароида 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишиланган байрам тадбири уюштирилди.

Унда сўзга чиқсан Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Рафшон Бедилов ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши раиси Мурод Носиров ўқитувчи ва мураббийларни қасб байрамлари билан қутлаб, уларга ўзларининг самимий тилакларини билдириши.

Тадбирида туман ва шахарлардаги таълим мусассасаларида фаолият юритаётган энг фаол, фахрий ўқитувчи ва мураббийларнинг 70 нафарига касаба уюшмаларининг фахрий ёрлиқ ва эсадлик соввалари тақдим этилди, улар учун маҳсус байрамона дастур намойиш этилди.

Маълумот учун, бугунги кунда Тошкент вилотида 887 та умумтаълим мактаби, 526 та мактабгача таълим ташкилоти фаолият олиб бораётган бўлса, уларда 35 мингдан зиёд ўқитувчи, 22



мингдан зиёд тарбиячи меҳнат қилинмоқда.

Соҳа ходимларининг ҳар бирни муносиб меҳнат шароитларидаги фаолият олиб бориши, меҳнатига яраша ҳақ олиши ҳамда соглигини тикилаши учун барча зарур шароитлар яратилмоқда.

Хусусан, давлатимиз раҳбарни томондан қабул қилинган «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия

ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидағи фармон ижросига кўра, жорий йилнинг 9 ойи давомома 1013 нафар ўқитувчига имтиёзи, 223 нафар олий тоифали ўқитувчига дам олишлари учун белуп йўлланмалар берилган.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»



Орамиздаги одамлар



Дилоромда йўқ ором

Булуңғур туманинда бу мактаб жамоаси яхлит бир оиласа қиёсланди. Бу ерда ёшлар ардоқланиб, кексалар улуғланади. Шу боис таълим-тарбия ҳам, спорт тадбирлари ҳам ўз ўрнида.

– Бу ахил жамоа сафига кўшилганимга яқинда чорак аср тўлади. Фаолиятимнинг дастлабки паллаларида таъкирибали муаллимлар кўммагига ёхтиёж сезардим. Эндиликада ўзим ҳам устозлар сафига кўшилдим, – дейди «Янгиобод» маҳалласида жойлашган 18-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Дилором Маматова. – Болаларнинг беғубор саволлари юнилиши мени изланишга ўнайди. Бошлиғинич синф ўқитувчиси бўлишининг ўзига хос мисъулияти бор.

Мактаб раҳбари Тўлқин Ражабов анча қаттиқкўл ва ўқитувчиларнинг шартшароитидан доимо боҳабар. Мактабга илғор технологияларни олиб киришга, дарсларнинг мазмун жиҳатидан бойитилишига доимо бошқош. Ётиборли томони шундаки, мактабда таҳсил олаёт-

ган 1527 нафар ўқувчи орасида паст ўзлаштирувчilar, тарбияси носоғлом болаларни учратмайтиш.

Жамоа Дилором Маматовага катта ишонч билдириб, уни мактаб директорининг маънавий-мәърифий ишлар бўйича ўринбосарлигига тавсия этган. Юки залорлари бу вазифа уни қийнаб кўйигани йўқ. Аммо сабоқ олишишни кучли бўлган ўқувчиларни ташлаш кетолмади. Шу боис ҳам ўзи таҳсил берган бошлиғинич синф ўқувчилари бағрига қайtdi. Лавозими топшириди.

Эндилига кўлига қалам ушлаб, алифбони ўрганаётган жажжилар куршовида Дилором ўзини анча эркин ҳис этади. Оромидан кечиб бўлса-да, улар ҳузурига талпинади.

Комила БОЙМУРОДОВА
«ISHONCH»



«Ishonch» учун дадамга раҳмат!

Мен саводим чиққандан сўнг «Ishonch» газетасини мутолаа қила бошлаганман. Бунга дадам сабаби бўлган.

Мақсадим – журналист бўлиш. Ана шу орзуимни амала ошириш, яъни шогирдликка тушиш учун яқинда таникли бир журналист билан учрашдим. У ёзган мақолаларим билан танишиб чиқди. Ёзганларимни бир эмас, икки марта ўқигач, менга савол назари билан тикилиб: «Буларни кимдир таҳир килингани?», деб сўради. «Йўқ», дедим. «Ўнда қаердан дар кўчириб олмадигани?», дедим. Мен эса «Йўқ, нега кўчирилар эканман, ўзим ёзганман», деб жавоб бердим. Устоз барибир ишонмади, шекилини, яrim соат ичда «Ёз чилласи» деган мавзуда мақола ёзишимни талааб қилид. Ёздим. Тажрибали журналист уни ўқиб, менинг ёшиимда бундай бехато ва мазмунли мақола ёзиш маҳоратига эгалар кам учрашини айтди. Ва нималар ўқишимни сўради. Бу саволга «Саводим чиққан пайтданоқ дадам олиб келган газеталарни ўқир эдим,

балки шундандир», дедим. Устозим «Даданга раҳмат айтбай кўйигин», дебди ва худди менедж янга бир шогирди ҳакида сўзлаб берди. У кизнинг дадаси ҳам менинг дадам сингири уйига доим газета олиб келар экан. Киз эса уларни мунтазам ўқиб борган ва ҳозир журналистика факультети талабаси экан. Бундан билдики, газета ўқиш биз ёшлар учун жуда фойдали. Тажриб жоиз бўлса, ўзиға хос мактаб ва устоз!

Эҳтимол, ушбу фикрларимни кимлардир босма нашрлар мутолааси сустлашган айни вақтда одамларни газета ўқишига чорлаш учун айтилтилди деб ўйлаши ҳам мумкин. Лекин асло ундай эмас. Юқори профессионал журналистлар меҳнати билан нашр қилинаётган газета-журнал борки, улардан нимадир ўрганиш мумкин, жумладан, равон ва саводли ёзишини ҳам.

Хунар, хунардан унар, деганлари шу бўйса кепак-да, Манзурахон топган даромади ҳисобига яна 3 та тикув машинаси сотиб олди. Ёнига шогирдлар олиб, иш фаолиятини кенгайтириди. Хозир Манзурахоннинг тикув цехидаги мавсумий кийим-бош, маҳсус иш кийимлари, мактаб формалари тайёрланмоқда.

– Янги тикув машинаси берилганидан сўнг оиласизга даромад кира бошлади, – дейди Манзурахон Мажидова. – Хозир 4 та тикув машинам бор.

Ҳа, у каби ҳам ўзини, ҳам ўзни-кўшиларининг бандлигини таъминлаб, моддий фаровонлиги юксалиб бораётган аёллар сафи тобора кўпайиб бораётгани таҳсинга лойик.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»



Касаба уюшмаси аралашгач...

Ҳақиқат қарор топди

Фаридахон Сулаймонова Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Андижон вилояти Асака тумани бўлимида етакчи мутахассис вазифасида ишлаб келган. 2023 йил 23 марта куни у билан иш берувчи ўртасида меҳнат шартномаси бекор қилингани хабар қилинди. Бунга асос қилиб, иш ўрни қисқаргани, атtestациядан ўтмолмагани кўrsatildi.

У ишга тикилаш, мажбурий прогул кунлари учун иш ҳаки ва маънавий зарарни ундиришни сўраб, фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судига мурожаат қилид. Лекин унинг даъвоси ушбу суднинг ҳал қилинчи қарори билан рад этилди. Қарордан даъвогар норози бўлиб берган апелляция шикоятида Андижон вилояти суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайватидан янги ҳал қилив қарор қабул қилишини сўраган.

Танганинг иккинчи томонига қарайдиган бўлсак, иш берувчи ходимнинг ишдан бўшатишда кўп йиллик иш стажини, турмуш

үртоғи хасталиги сабабли оиласи ягона бокувчи эканини ҳисобга олмаган. Қолаверса, апелляция инстанцияси суди мажлисида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси Андижон вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспекцияси мутахассиси Ҳабибилло Усмонов ва бosh мутахассиси Муҳаммади Куббиеv касаба уюшмаси қўмитаси йигилиши даъвогарнинг иштироқисиз ўтказилгани қонунга зидлигини ба бу билан касаба уюшма қўмитаси розилиги олинган деб ҳисоблан-маслигини билдириши.

Ушбу ҳолатлар ҳисобга олиниб, Андижон туманлараро су-

динг ҳал қилив қарори бекор қилинди. Етакчи ходим аввалигэ лавозимига тикланди. Шунингдек, мажбурий прогул кунлари учун 27 миллион 512 минг 786 сўм ва маънавий зарар учун 5 миллион 200 минг сўм ундириб берилди.

Ҳақиқат эгилади, букилади, лекин синмайди, деганлари шу бўлса керак-да. Беихтиёр, донишмандлардан бирининг «Ҳақиқат жуда содда, унга етишиш эса кўпинча жуда ҳам мурракаб», деган пурмаъно фикри ёдга тушади.

Анваржон ҲАЛИМОV
«ISHONCH»



Экотуризм



«Чашма» таассусотлари

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси Жиззах вилояти кенгаши ёшлар бирлашмаси томонидан Навоий вилоятининг Нурота туманинда «Чашма» зиёратгоҳи «Экотуризм» акцияси ташкил этилди.

Тадбир доирасида 25 нафар ёш йигит-қиз гўзал ва сўлум зиёратгоҳ табииатидан баҳри диллари очилиб, олам-олам таассусотлар билан қайтишиди.

Муқимбай ИСМОИЛОV
«ISHONCH»



АВАЗ ОХУН:

Суҳбат

Қулоцш осон, қулоцирш қишин

Санъатнинг шундай тури бор – чароқни чиқаради, кайфиятни кўтаради, умрни узайтиради, оммабоп, ҳаммабоп. Бу – қизиқчилик санъати, ноёб ва камёб. Унинг мashaқатини ҳар ким ҳам бўйнига олавермайди. Аллоҳ «юқтирган» истеъодд бўлмаса, қизиқчи бўйлиб, саҳнага чиқаман, томошабинни ҳажвий чиқишиларим билан лол қолдирман, деган ижодкор ҳам ўз ниятига етолмайди.

Ҳожибой Тожибоев, Обид Асомов, Мирзабек Холмединов, Валижон Шамшиев каби қизиқчилар қаторида ўз концерт дастурлари билан эътироф этилаётган Аваз Охун ана шундай истеъодд соҳибидир. Унинг юморга бой ҳангомалари ҳар қандай даврага мос тушади, кулиг уйғотади. Сабаби – ҳаётий, ҳалқи, тўқума эмас. Кулиг устасининг чиқишилар фақат мамлакатимизда эмас, балки қўшни Қозогистон, Қирғизистон, Тоҷикистон, Туркманистон, Россия ва Жанубий Корея давлатларида ҳам мамнуният билан қабул қилинмоқда. Қизиқчи бу санъат турига қўйилган талаблар хусусида нима дейди? Ижод қилиш жараёни ҳар қандай кечади, мавзу ҳар қандай танланади ва ҳар қандай бойитилади? Репертуарни янгилашнинг аҳамияти нимада?

Аваз Охун билан шу каби саволлар доирасида суҳбатлашдик.

– Қизиқчиллик, ҳазил-мутоибатида ўзбек халқининг «қонида» бор. Табигатан қулоцирш хусусиятига эга бўлган кишиларни «Афанди» ҳам дейишади. Том маънодаги, яъни профессионал қизиқчи бўлишнинг асосий талаблари сизнингча, нимада?

– Ҳар бир халқнинг ўз кулгиси, ҳазил-мутоибати ва уни ҳис қилиш хусусияти бор. Инсоният яралгандан бери кулиг у билан ҳамиша ёнма-ён юради. Ўзбек халқи характеридаги қизиқчиллик, кулигесварлик барча миллиатдошларимиз қатори менга ҳам жуда қадрли. Насридин Афандига келадиган бўлсақ, у Широк Алломиша ўшаган тўқума тимсол. Унинг, ҳақиқатан, ҳам яшаб ўтганлиги ҳақида ишонарли мъалумотларни кўрмаганман, ўқимаганман. Афанди латифалари ўтмишига хос, улар бугунги кунимизга умуман тўғри келмайди. Қизиқчи сифатида ўтмишудан бизга қадар етиб келган халқ оғзаки ижоди намуналарининг бир тури – латифадан ҳеч қачон фойдаланмайман, муроҳаат ҳам қилмайман. Сабаби – бугунги ҳаёт тарзимизда ҳар куни битта янгилик, вақт тезлашган, техник имкониятлар кенгайган, яшаш учун енгиллик ва қуайликлар шударажада кўпки, тобора шунга мослашиб боряпмиз. Тезкор замонда, шиддаткор даврда одамларнинг юриш-туриши, гап-сўзи, феъл-авторида кулиги ҳолатлар учрайди. Буни кузатиш, илғаш керак.

Ҳар қандай санъат турда ҳам профессионал бўлишнинг биринчи талаби, менимим, устоз санъаткорлар мактабидан сабоқ олиш, уларнинг ижодини ўрганиш, Иккинчидан, у тинмай ижод қилиши, изланиши, маҳоратини ошириб бориши керак, шундагина муввафқиятга эришади, элнинг севимли санъаткорига айланади. Қизиқчи айтадиган ҳангомасини омма ҳар қандай қабул қилишини биринчи бўйлиб ўз қалб «призмасидан» ўтказиши зарур.

– Ҳалқимизнинг юрагидан чуқур жой олган санъаткор Ҳожибой Тоҷибоевдан бизга ҳикматомуз гап мерос қолди: «Ўзбекнинг ўзи қизиқ, ўзидан сўзи қизиқ». Сиз бунинг маъносини ҳар қандай изоҳлайсиз?

– Ҳақиқатан ҳам, Ҳожибой аканинг саҳнадаги қизишилари ҳаётлигиги, ҳалқчиллиги билан минглаб муҳлислар хотираига мурхланди. Оддий, саимими, ясамалик йўқ, бор ҳолица, ҳар қандай бўлса, шундай, яъни халқнинг ўзидан олиб, ўзига ҳайтадиган ҳолда паловдек «сузиб» берилган ҳангомалар. Устоз «Ўзбекнинг ўзи қизиқ, ўзидан сўзи қизиқ» деган машҳур иборани худди шунга мукосига қилиб айтган бўлса, ажаб эмас. Қизиқчи халқ нима деса, шуни ўз ҳолида саҳнага олиб чиқавермайди. Муайян ҳолат, масалан, эр-хотин, ўқитувчи-ўқувчи, савдо ходими-ҳаридор, ҳайдошиб-мўйловчи ўртасидаги мулоқотни бойтиш, бадиийлаштириш учун қизиқчи ўйлади, ижод қилиди, образли гапларни топади. Бойитилган фикр муҳлислинг қаҳ-қаҳа отиб кулишига мажбур қиласа, бу қизиқчининг янги гап топа олгандан далолат беради. Ахборот кун сайн, соат сайн янгиланиб турган асрда томошабинни қулоцирш осон эмас, саҳнада минг ҳил турланишингиз, уларни ҳайратлантиришингиз керак. Кулиш осон, қулоцирш қийин! Устоз Ҳожибой аканинг ҳайратини тингламаги, одамларнинг хатти-ҳарада, гап-сўзи кўз ўнгингизда гавдаланиб туради.

«Фалончининг ошида кўринмадингиз», дейди қизиқчи иккни ошнанинг мулоқотини келтириб. Қизиқчи гапнинг тагидан гап топади: «Нима, у ошда кўринадиган гўштими, нўхатими, гуручими?». Коса тагидан ним коса, ўзаро сұхбатда айтладиган гап. Лекин Ҳожибой ака уни «ковлаб», кулиг уйғотувчи гапга айлантирган. Демак, қизиқчиллик санъатида даврани «қитиқлаш», кулиг бағишилаш, янги гап айтиш учун санъаткор биринчи галда кузатувчан бўйлиши, воқеа-ҳодисани таҳлил қилиб, ундан кулигли хулоса чиқариши керак.

– Аввал қизиқчилар саноқли бўларди, ҳозир жуда кўп. Ҳаттоқи аёл қизиқчилар ҳам пайдо бўлди. Айримлари коса тагидан ним коса ҳазил билан одамни ўйга толдирса, басыларни бачкан гап-сўзлари билан куюшқондан чиқиб кетади. Зўрма-зўраки ҳангоманин катта даврага тортиқ этишдан қизиқчига не наф, тўғрими?

– Қизиқчиларнинг кўпайгани яхши. Ижоднинг бу тури ноёб, у яшаб қолиши, ривожланиши учун қизиқчилар кўпайши керак, албатта. Ҳар бор муҳлис уларни ўзи танлайди, кимгadir бири ёқса, кимdir бошқасига муҳлис. Ҳамма ҳам қизиқчи бўла олмайди, агар инсонга Аллоҳ томонидан қулоцирш хислати ато этилмаса, ўзини минг марта утга-чўқка урсин, уриниши бехуда кетади.

Ҳар доим шундай бўлган, кимdir ёмон. Қизиқчиларнида беҳаёд, қочиримли мавзуларнинг кўпайши, бу мактаб, устоз кўрмаган шогирдларнинг ўтмумиёна урнишиларидан бошқа нарса эмас. Бу томошабинни қулоциршнинг осон йўли. Ҳаракат қисса, изланса, озигина кузатувчан бўлса, турмушда мавзу қалашиб ётибди.

Қизиқчиларнида муввафқият қозонётганлар ҳам бор, уларнинг чиқишиларни муҳлислар олишларни кечари олади, лекин бу соҳанинг ўзига хос хусусиятини тўлиқ идрок этмай, Ғарбга тақлид қилиб, оммавий маданиятини тарғиб қилаётганларни ҳам йўқ эмас, улар узоқса боролади. Аёл қизиқчиларнинг пайдо бўлганини кўллаб-куватлайман. Демак, эркаклар уларнинг кийимини кийиб, бачканга роль ўйнашига ҳожат колмайди.

– Сиз ўз дастурларнингизга ҳар қандай ҳозирлик кўрасиз? Мавзуни ҳаётдан олиб, уни муҳлисга ҳавола этишининг ўзига хос машҳақатлари нимада?

Ҳалқининг ичид қилиб, бир ҳангомани топсангиз, уни албатта бойитасиз, нимадир кўшасиз ёки қайси-дир жойини қўриқ, бошқа гапга алмаштирасиз. Ана шу жараён ҳар қандай кечади?

– Қизиқчининг концерт дастури пишик-пухта тузилган, ҳаммабоп, оммабоп бўйлиши керак. Агар у наридан-бери, чала-чулпа тайёргарлик билан саҳнага чиқса, панд ёр қолади. Ҳамкасларимиз ҳар ҳил манбадан фойдаланади, кимdir латифадан олади, кимdir интернет сайтларини тикиклиайди. Лекин энг асосийси, ҳажвия қайси усула бўлмасин, уни «сузмасдан» аввал муҳлисга мавзул келиш-кељмаслигини ўйлаб кўришимиз керак. Томошабиннинг шахсиятига тегиши, жисмоний ёки руҳий нуқсони бўлган кишининг устидан кулишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Кимнингдир соқовлиги, кар ёки кўргилини мазах қилиш оидийликдан эмас. Қизиқчи одоб-ахлоқ доирасидан чиқиб кетган камчилликлар устидан кулиб, томошабинни сергак тортириш, ўзини ўзи ислоҳ этишига унда, бу унинг ютуғи. Демак, у «Билса

ҳазил, билмас чин» қабилидаги гаплари билан жамиятимизда илдиз отиб кетаётган иллатларга қарши курашади.

Ҳозир сенсорли мобил телефондан фойдаланмайдиган киши йўқ. Айниқса, эр-хотиннинг шубҳа-гумон билан бир-бирини телефонини «текшириб» туриши ҳаётда кўп учрайдиган ҳодиса. Бунга кўп бора гувоҳ бўлганим учун янги ҳангомағояси пайдо бўлди. Анча вақт ўйлаб, мулоҳза қилиб юрдим ва ниҳоят, томошабин кутмаган қизиқ гапни топдим. Эр ўзининг телефони ўрнига хотининги мобил алоқа воситасини олиб, таниши билан хабарнома ёзишади. Аслида, бу хабарнома унга эмас, хотинига тегиши эканини аёли «Нега менинг телефонимни олиб юрибиз?» дегачигина билиб қолади ва ковун тушриганинни сезади. Ҳаётда ҳангома кўп, воқеа қалашиб ётибди, фақат унги кулиг уйғотидиган руҳда маъносини кутийтириш, оларни кутирилганни кетади. Ҳаётда ҳангома кўп, воқеа қалашиб ётибди, қайта ишлаш керак.

Муҳлислар кўпинча сиз бемаъни гап айтишаси эканлиз-а, дейишади. Тасаввур қилинг, менинг гапларини томоша залиши ўтирган ота-онам, синглим, аёлм олмаб ғонглаб ўзини турмуш тарзига мослашириш, қайта ишланаши керак. Ҳалқимизда ҳамма гапларни олиб кетади. Ҳаётда ҳангома кўп, воқеа қалашиб ётибди, қайта ишланаши керак. Ҳалқимизда ҳамма гапларни олиб кетади. Ҳаётда ҳангома кўп, воқеа қалашиб ётибди, қайта ишланаши керак.

ХОЖИБОЙ АКАГА РЕПЕРТУАРИМДАГИ АЙРИМ ҲАНГОМАЛАРИНИМ АЙТИБ БЕРСАМ, ЙОЗ ИФОДАСИДАН МАНЗУР БЎЛГАНИНИ СЕЗДИМ. БУ, ИНСТИТУТДА «ЮЛДУЗ» БУЛИБ ТАНИЛГАН ТАЛАБА, ЯНГИ МЕНГА КЎТАРИНИК КАЙФИЯТ БАҒИШЛАДИ.

та-қайта айтилаверса, аудитория-да зерикиш пайдо бўлади. Шу боис муҳлислар «Янгисидан эшитайлик» деган талабни барадла айтишиади. Сиз бу масалага ҳар қандай қарайсиз?

– Тўғри таъкидларнинг. Қизиқчиллик санъатда шунақа жанри, эски гапни саҳнага олиб чиқишидан на муаллифа, на томошабинга манбаат бор. Репертуар янги бўлмаса, қизиқчининг саҳнага чиқишидан не ҳожат? Фақат янги ижод намуналири бўлсангина, у ўзининг концерт дастурини ҳалқа ҳавола қилиши керак. Кулиг усталари орасида эски номерини тақорлаб, муҳлислар энсанини қотиридганларни ҳам учрайди. Айнан концертига тушип эмас, балки телевидение орқали ҳам у ўша номерни кўрган бўлиши мумкин. Тўғри, концертини бошидан охирiga қадар янги ҳангомани узатиш кийин, ора-орада беш-ўн физ аввалги гапларни ҳам сингдирб юборишига мажбурмиз. Ўшандагина муҳлис сиздан норози бўлиб чиқиб кетмайди. Деярли ҳар йили янги дастурни ҳалқимизга ҳавола этиб келапман. 2014 йилда «Янгисини эшитдингизми?», 2015 йилда «Ўзимизнинг гаплар», 2016 йилда «Самимий кулиги», 2017 йилда «7дан 70 гача», 2018 йилда «Янгис янгида», 2019 йилда «Ўзбекча кулиги», 2020 йилда «ЗўрТВ» каналида ҳарбийлар учун концерт дастури, 2021 йилда «Кулгиларинизни соғиниди», 2022 йилда «Кулгитерапия» каби концерт дастурларини намойиш этдим.

– Ўзбек халқида жамоавийлик устун саналади. Жамоа бўлиб қўшиқ айтиш, рақса тушиши, бадиий фильм яратиши, спектакль қўйиш ва ҳоказо. Аммо якка тарзда ижод қилишига ҳам ҳар қандай монелик йўқ ва бу Баш қомусимизда белгиланган. Сиз қизиқчиллик санъатида якка актёр сифатида тан олинниб, эл назарига тушдигиз. Бунинг ўзига хослиги нимада?

– Ҳалқимизда «Шериклик ош татимас» деган нақд бор. Гурӯҳ бўлиб томоша кўрсатиш ва якка тартибида ижод қилиш санъатда кузатиладиган ҳодиса. Ҳар бирининг ўзига яршига мусабат-маниф томонлари бор. Қизиқчиллик санъатида жамоа бўлиб ижод қилиш кийин. Чунки сиз шеригнингизга, шеригнингиз сизга боғланил қолади ва баязан фикрлар, қарашлар тўқнаш келиб қолади, орада зиддият пайдо бўлади. Буни айрим гуруҳларнинг тарқаб кетаётганидан ҳам кўришимиз мумкин. Мен якка тартибида ижод қилиб келаётганидан афсусланмайман, чунки ким биландар маслаҳатлашиб ёки кимнингдир йўл-йўриғи билан иш тутгандан кўра, ўзинг эмин-эркин, беминнат ижод қилганинг афзал. Энг муҳими, кимгadir тобе бўлмасдан, ўзимониятнинг, иштедодининг ва салоҳиятнинг ҳараба қараб ижод қилишининг ижобий жиҳатлари кўп. Шериклик кийин масалан, «Иккита кўчкорнинг боши битта қозонда қайнамайди» деганлари бежиз эмас. Лекин қўшиқчиллик, мусиқа, кино санъатида бу усул ўзини мутлақа оқлашади. Бунда жамоавийлик, бамаслаҳат иш тушиши, бир-бираға хурмат билан қараш ижод на мунасиининг тўлақонли, пишик-пухта чиқишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Хулкар ТЎЙМАНОВА суҳбатлаши

МУАССИС:
Oʻzbekiston
kašaba
uyushmalar
Federatsiyasi

TSSN 2010-5002 2007-yil 11-yarvanda
Oʻzbekiston
Matbuot va ax